# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

• № 40 (10.617).
1994 йил
8 июнь
чоршанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИ



Халқлар Дўстлиги саройининг мажлислар залидаги музокаралар пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ВА Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

4 июнь куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам давлат ташрифи билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида Ким Ен Сам жаноблари ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар Президентлар ва уларнинг рафиқаларига гуллар тақдим этдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам юксак мартабали меҳмон шарафига саф тортган миллий гвардия аскарлари вакилларидан иборат фахрий қоровул олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ва хорижий мамлакатларнинг республикамиздаги дипломатия корпуси вакиллари Ким Ен Сам жанобларига таништирилди. Ўз навбатида Корея Республикаси Президенти ҳам ўзига ҳамроҳлик қилаётган ҳукумат аъзоларини таништирди.

Шундан сўнг автомобиллар карвони юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Аэропорт ва Тошкент кўчаларига чиққан шаҳарликлар Ким Ен Сам жанобларини олқишлар билан қаршиладилар.

* * *

Шу куни Президентнинг Дўрмондаги қароргоҳида совғалар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ислом Каримов билан Ким Ен Сам яккама-якка суҳбатлашдилар.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси ташрифининг иккинчи куни Самарқанд сафаридан бошланди.

Корея ва Ўзбекистон давлат байроқлари тикилган аэропортда иккала мамлакат Президентлари ҳамда уларнинг рафиқаларини Самарқанд вилояти ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Шоҳи Зинда ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат этдилар. Регистон майдонида олий мартабали меҳмонлар шарафига Самарқанд санъат усталари ижросидаги концерт намойиш этилди.

— Бу кўҳна заминда кўрганларим менда теран таассурот қолдирди,— деди Ким Ен Сам жаноблари ЎзА мухбири билан суҳбатда.— Кўркам обидалар бебаҳо санъат намуналарини яратган халқнинг қадимий маданияти, анъаналаридан далолатдир. Бу ерда мен ўзига хос маҳобат ва заргарона нафис меҳнат самарасини кўрдим. Ҳар иккала фазилат ҳам мени лол қолдирди. Яна бир карра шарқ халқлари аждодларининг юксак маданияти қаршисида таъзим қиламан.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси Президентимиз Ислом Каримов ҳамда рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқанд сафаридан сўнг Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номли корпорацияда бўлди. Мартабали меҳмонларни корпорациянинг турли миллат вакилларидан иборат меҳнаткашлари шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар.

Ким Ен Сам жанобларининг Ислом Каримов ҳамроҳлигида ушбу хўжаликка ташриф буюриши узоқ йиллардан буён шу ерда яшаб келаётган ўзбекистонлик корейсларнинг қалбларини тўлқинлантириб юборди. Хўжалик маркази чинакам байрамона тусга кирди. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам кўп йиллар хўжаликка раҳбарлик қилган ва унинг юксалишига катта ҳисса қўшган Меҳнат қаҳрамони, турли миллат вакилларидан иборат аҳил бир жамоани шакллантирган инсон — Ким Пен Хва шарафига ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилдилар. Жамоанинг меҳнат фахрийлари билан суҳбатда бўлдилар. Кексалик гаштини сураётган Наталья Хван Корея Президентига бу ерда яшаётган корейсларнинг турмуш тарзи ҳақида гапириб берди.

Ким Ен Сам жаноблари корпорациянинг пахта далаларида бўлиб, ғўзани парваришлаш агротехникаси билан танишди. Икки мамлакат раҳбарлари корпорациянинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музейни бориб кўришди.

Корпорациянинг «Қутб юлдузи» кошонасида Корея ва Ўзбекистон Республикалари Президентлари юртимизда яшаётган корейсларнинг вакиллари билан учрашдилар. Президентимиз Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда ўзбекистонлик корейсларнинг муносиб ўрни ҳақида гапирди.

* * *

6 июнь куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боққа ташриф буюрди. Икки мамлакат раҳбарлари шеърият мулкининг султони, халқлар дўстлиги куйчиси, улуғ мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ким Ен Сам жаноби олийлари юксак мартабали меҳмонни олқишлаш учун миллий боққа келган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар билан учрашди. Мамлакатимиз фуқаролари бўлган турли миллат вакиллари ўзбек ва корейс халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида икки давлат раҳбари олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

Боғ зиёратидан сўнг Халқлар дўстлиги саройида расмий музокаралар бошланди. Музокаралар чоғида ўзаро муносабатларни янада юқори босқичга кўтариш истаги зоҳир бўлди. Ўзбекистон билан Корея ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик ва самолётлар қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги битимлар, фуқароларнинг эркин борди-келдилари тўғрисидаги ўзаро англашмалар меморандуми ҳамда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорликка оид протоколнинг имзоланиши ана шу эзгу ниятнинг ифодасидир. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген имзоладилар.

Ислом Каримов музокаралар самарали бўлганини қайд этар экан, эришилган аҳдномалар ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имкониятлар яратишини таъкидлади.

Ким Ен Сам жаноблари ташриф чоғида ўзига кўрсатилган ҳурмат ва Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб аҳолининг яхши турмуш кечириши, миллий ўзига хослигини асраш борасида яратилган шарт-шароит учун миннатдорлик билдирди. Корея Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида билади ва у билан алоқаларни кенгайтиришга интилади, деди Корея Президенти.

* * *

Музокаралар ниҳоясига етгач, Ислом Каримов ва Ким Ен Сам ўзбекистонлик ва хорижлик журналистлар билан учрашди. Унда Корея республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани яна бир карра қайд этилди.

Биз Корея Республикаси Президенти жаноб Ким Ен Самнинг мамлакатимизга ташрифи муваффақиятли ва самарали бўлди, деб ҳисоблаймиз деди Ислом Каримов. — Ўзаро учрашувлар, мулоқотлар ва музокаралар чоғида халқаро ҳамда минтақавий муаммоларга муносабат борасида қарашлар яқинлиги аён бўлди. Ўзбекистоннинг бой табиий захиралари, инсоний ресурслари ҳамда Кореянинг юксак даражада ривожланган саноати, замонавий технологиялари ҳамкорликни тақозо этади. Бу ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлиши шубҳасиз. Муносабатларимиз бошланганига энди икки йил тўлганига қарамай, ҳозирдаёқ яхши натижаларга эришмоқдамиз. Жанубий Кореянинг «Дэу», «Самсунг», «Голдстар» корпорация ва фирмалари мамлакатимиз ишбилармонлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда республикамизда 20 га яқин Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпти.

— Ўзбек халқи корейсларга катта ҳурмат билан қарайди, деди Ўзбекистон Президенти Сеул рўзномаси мухбирининг республикамизда яшаётган корейслар хусусидаги саволига жавобан. — Маълумки, улар 1937-39 йилларда, Сталин қатағони пайтида Узоқ Шарқдан бу ерга кўчирилган эди. Биз, қарийб, 50 йилдан буён елкадош бўлиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб келаяпмиз. Корейслар ўзининг меҳнаткашлиги, кўнгли очиқлиги билан ўзбекларга ўхшайди. Ана шу фазилатлари туфайли улар ҳурмат-эътибор топди. Бизга эл бўлди. Куни кеча Ким Пен Хва корпорациясида жаноб Ким Ен Самнинг жамоа аҳли билан учрашуви чоғида бунга амин бўлиш мумкин эди. Учрашув чоғида хўжалик хизматчиларидан бири ўз турмуши ҳақида Президент жанобларига сўзлаб берди. Уч фарзанди олий маълумотга эгалигини айтди. Ўзбекистонда 22 миллион аҳолининг тахминан 16 фоизи олий маълумотга эга. Корейс миллатига мансуб фуқароларимиз орасида бу кўрсаткич янада юқорироқ. Айни замонда республикамизда 28 та корейс миллий-маданий маркази мавжуд. Корейслар мамлакатимиздаги барча этник гуруҳлар қатори тенг ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар. Ҳозир 200 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб фуқаромиз бор. Улар бошқа миллат вакиллари қатори мамлакатимиз қудратини ошириш йўлида меҳнат қилишяпти. Миллий анъаналарни сақлаш, миллий маданиятни ривожлантириш борасида уларга барча шароитлар яратилган. Ана шундан бўлса керак, Жанубий Кореяда ҳаёт фаровонроқ бўлишига қарамай, юртимизнинг бирор корейс фуқароси ўзининг азалий ватанига кетиб қолаётгани йўқ. Зеро, улар яқин келажакда Ўзбекистон ҳам юксак тараққиётга эришишига қатъий ишонадилар.

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ҳам Ўзбекистондаги корейслар ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамроқ боғловчи бўғин бўлишига ишонч билдирди. У ҳамкорликни ҳукумат даражасидагина эмас, балки корхоналар, жамоат ташкилотлари даражасида ҳам кенгайтириш лозимлигини таъкидлади.

— Ўзаро музокаралар давомида биз кўпгина муаммолар хусусида фикрлашиб олдик, — деди жаноб Ким Ен Сам. — Улар орасида Корея ярим оролини ядросиз минтақага айлантириш масаласи ҳам бор эди. Шуниси қувончлики, бизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз қўллаб-қувватланди. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ниятидамиз. Яқинда бу борадаги имкониятларни ўрганиш учун мутахассислар гуруҳини юборамиз. Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя сарфлаш мақсадида бўлган кореялик ишбилармонларни қувватлаш, рағбатлантириш чораларини кўриш ниятидамиз. Кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонда машинасозлик, электроника, алоқа тармоқларини ривожлантириш, газ қазиб олишда кўмаклашадилар.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири мамлакатимиз Президентига шундай савол билан мурожаат қилди: республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан Корея Республикаси иқтисодиётини ислоҳ қилишда қўлланилган ёндашувлар ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Уларнинг энг асосийлари — кучли ижроия ҳокимияти, режалаштириш, прогматизм. Кореядаги ислоҳотлар тажрибасининг яна қайси жиҳатлари эътиборга лойиқ деб ўйлайсиз?

— Корея Республикаси, — деди Ислом Каримов, — бугунги кунда жаҳондаги энг ривожланган ўн давлатдан биридир. Мамлакат иқтисодиёти тез суръатлар билан юксалиб бораяпти. Албатта бунинг сабаблари кўп. Улардан энг асосийларини айтиб ўтишим мумкин. Биринчиси — корейс халқининг тараққиётта, ватан манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилишга доимий интилишидир. Зеро, буюк мақсадларга эга бўлган ва ҳар куни ана шу мақсадга эришиш учун сидқидилдан меҳнат қиладиган, улуғвор интилишлар йўлида бирлашган миллат мўъжизалар яратишга қодир. Иккинчидан, Кореяда ҳар бир киши ўз ўрнини яхши билади ва вазифасини садоқат билан бажаради. Учинчидан эса, Корея демократияси ўзига хос жиҳатларга эга. Яъни бу ерда ҳеч ким демократияни бошбошдоқлик деб тушунмайди. Айнан мана шу жиҳатлар биз учун ҳам муҳим. Биз бу фазилатлардан ибрат олишимиз, ўз амалиётимизда, демократик жамият барпо этишда фойдаланишимиз зарур.

Кореялик мухбир икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг келгусидаги кўламини билиш мақсадида, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари билан қизиқди. Бу саволга жавобан Ислом Каримов америкалик мутахассисларнинг хулосасини келтирди. Маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг минерал хом-ашё ресурслари 3 триллион доллардан зиёд қийматга тенг экан. Бундан ташқари, Ўзбекистон пахта етиштиришда дунёда учинчи, олтин захиралари бўйича бешинчи, ва уни қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради. Газ ва рангли металлар қазиб олиш бўйича ҳам жаҳон мамлакатлари орасида дастлабки ўнликдан ўрин олган, деди Ўзбекистон Президенти. — Бу фактлар мамлакатимизнинг имкониятлари нақадар катта эканлигини исботлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб бердилар.

* * *

Шу билан Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ҳар икки мамлакат раҳбарлари алоҳида таъкидлаганларидек, ташриф сермазмун ва самарали бўлди. Ким Ен Сам рафиқаси билан 6 июнь куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Ташриф дастурига кўра, Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Корея Республикалари байроқлари кўтарилди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ким Ен Сам Ислом Каримов ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, самолётга кўтарилди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берди.

— Ким Ен Сам билан бўлиб ўтган суҳбатлар ва музокаралардан катта қониқиш ҳосил қилдим.— деди мамлакатимиз раҳбари.— Имзоланган ҳужжатлар ҳар икки мамлакат халқи манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз. Корея Президентининг юртимизга ташрифи ўзаро ҳамкорликнигина эмас, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни ҳам янги поғонага кўтаради.

Юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген И иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ XVIII ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

## ТАБРИГИ

Муҳтарам матлуботчилар!

Сизларни Ўзбекистон матлубот жамиятлари уюшмасининг навбатдаги қурултойи очилиши билан табриклайман.

Ушбу анжуман мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига дадил қадам қўйган даврда ўтмоқда. Бозор муносабатлари шаклланаётган, ишбилармонлик ва ташаббускорлик рағбат топаётган бугунги кунда қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Кооператив мулкни бошқа мулк шаклларига айлантириш, матлубот жамиятлари уюшмаларининг ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Айни пайтда Ўзбекбирлашув тизими қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш ва товар ресурсларини кўпайтириш мақсадида тижорат ишларини тубдан яхшилашга ва савдо эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериши зарур.

Ички бозорни хилма-хил ва сифатли моллар билан тўлдириш учун матлубот жамиятларимиз ҳамдўстлик мамлакатларида ва хорижда ташкил этган савдо уйлари фаолиятини кучайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Шунингдек, халқаро кооператив уюшмага аъзо бўлган мамлакатлар билан товар айирбошлаш операциялари ҳажмини кескин ошириш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қадрли дўстлар!

Қурултой ишига муваффақият, қурултойнинг барча қатнашчиларига сиҳат-саломатлик, мустақил Ўзбекистонимиз ривожини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган ишларингизда катта ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.

● **ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ**

## ТОШКЕНТДА ЯНА УЧРАШАМИЗ!

**Теннис бўйича «Президент кубоги» учун халқаро мусобақанинг якунловчи кунида шундай сўзлар янгради. Бу сўзларни барча: Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё тарихидаги биринчи профессионал спортчилар мусобақаси ташкилотчилари ҳам, иштирокчилари ҳам, томошабинлар ҳам айтди. «Президент кубоги» мусобақаси 150 минг Америка доллари миқдорида соврин жамғармасига эга бўлган «Челенжер» тоифасидаги турнирларда биринчи бор ўтказилишига қарамай, унда ер куррасидаги барча қитъаларнинг ракетка усталари иштирок этди.**

Дастлаб жуфтликлар бўйича мусобақа ғолиблари аниқланди. Марокашлик Карим Аламий билан венгриялик Шандор Ножали россиялик Александр Меринов билан грузиялик Владимир Габричидзени мағлубиятга учратдилар.

Якка кураш бўйича финалда америкалик Чак Адамс бельгиялик Филипп Дель Вульф билан учрашди. Биринчи «Президент кубоги»ни уч ўйинни ҳам ғалаба билан якунлаган Чак Адамс қўлга киритди.

Сўнгра марказий кортда мусобақа ёпилишига бағишланган тантанали парад бўлди. Финалга чиққан спортчилар, ҳакамлар, мусобақа директорлари ва ташкилотчилари, мусобақани ўтказишга ёрдам берган Тошкент теннис мактабларининг ёш тарбияланувчилари майдонга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов спорт байрами иштирокчиларига мурожаат қилиб, уларни «Президент кубоги» мусобақаси муваффақиятли якунлангани билан табриклади, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият тилади. Профессионал теннисчиларнинг биринчи мусобақаси ўзининг асосий вазифасини бажарди, — деди давлатимиз бошлиғи. — Бу ўйинлар минбарлардан туриб кузатганларга ҳам, телеэкран қаршисида томоша қилганларга ҳам катта завқ-шавқ бағишлади. Кўп сонли томошабинлар орасида бу ажойиб ўйиннинг минглаб янги мухлиси пайдо бўлганига, келажакда улар халқаро майдонларда ўзларини кўрсатишига ишонаман.

Бу ажойиб мусобақада иштирок этганларнинг ҳаммаси ўз спорт маҳоратини оширишга муваффақ бўлди.— деди Президентимиз.— Аммо, энг муҳими — Тошкентдаги бу учрашув уларга Ўзбекистонга меҳр қўйиш, тинчлик ва барқарорлик нималигини англаш имконини берди. Айни шу тинчлик ва барқарорлик туфайлигина бу ажойиб байрамни ўтказиш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мусобақада иштирок этган спортчиларга, бу учрашувни режалаштириб, уни ташкил этишда жон куйдирганларга миннатдорлик билдирди, таниқли ишбилармон. Швейцариядаги «Интернейшнл Теннис Промоушн» компаниясининг президенти жаноб Сасон Какшурига эса, алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари Ўзбекистоннинг саҳий заминини, Тошкентни севиб қолишганига ишончим комил,— деди пировардида Ислом Каримов. — Яна шунга ишончим комилки, кўпгина теннисчилар қизиқарли ўйинлари билан бизни хурсанд қилиш учун келажакда ҳам республикамиз пойтахтига келиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чак Адамсга кумуш тагдонли биллур гулдон ва 18 минг доллар пулни топширди. Бу спортчи Тошкент теннис майдонларида профессионал теннисчилар халқаро уюшмасининг юзта ҳолини қўлга киритган эди. Америкалик теннисчи республикамиз Президентига, мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийларига, томошабинларга миннатдорлик билдирди.

Бельгиялик спортчи Филипп Де Вульф ҳам Ўзбекистон раҳбарининг қўлидан 10 минг 600 долларни қабул қилиб олди. Бу спортчи Тошкентдан уйига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси таъсис этган махсус соврин — катта биллур гулдонни ҳам олиб қайтади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Президент кубоги» мусобақасини ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков мусобақа қатнашчиларига ҳомийлар тайёрлаган совринларни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Жаноб С. Какшури биринчи халқаро теннис мусобақасини ёпиқ деб эълон қилади. Лекин спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, кўп сонли теннис мухлислари бу ёрқин байрам билан хайрлашмайди. Улар «Тошкентда яна учрашамиз!» дея хитоб қилишади.

Мусобақани тантанали ёпиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими иштирок этишди.

**(ЎзА мухбири).**

